

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ**

БИНО ВА ИНШООТЛАР ҚУРИЛИШИ ФАКУЛЬТЕТИ

**ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ, ЗАМИН ВА ПОЙДЕВОРЛАР
КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга рухсат
этилсин”

факультет декани

_____ т.ф.н.доц. Пирматов Р.
“ _____ ” _____ 2012й

Диплом лойиҳаси бўйича

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Диплом лойиҳасининг мавзуси

Жиззах вилояти Ғаллаорол Қораултепа сув омборлар
территорияси

Битирувчи 11-08 талабаси

Джумаева И

Диплом лойиҳаси рахбари

доц. Х. Файзиев

Маслахатчилар:

доц. Ў.И. Хусанхўжаев

М. Мирзаев

“Ҳимояга тавсия этилсин”

“ Гидротехника иншоотлари
замин ва пойдеворлар” кафедраси
муdiri доц. _____ Файзиев Х.

“ _____ ” _____ 2012й

ТОШКЕНТ-2012

МУНДАРИЖА

Сўз боши

I Умумий қисм

- 1.1 Табiiй шароити тўғрисида қисқача маълумот
- 1.2 Геологик тузилиши ва гидрогеологик шароитлари
- 1.3 Сув омборидаги сувни филътрация ва буғланиш туфайли йўқотилиши
- 1.4 Сув омборини суғориш қобилияти
- 1.5 Сув омборидан фойдаланиш тўғрисида умумий мулоҳазалар

II Сув омбори иншоотлари техник характеристикалари

- 2.1 Иншоотлар таркиби
- 2.2 Тўғон № 1
- 2.3 Тўғон № 2
- 2.4 Сув бўшатма
- 2.5 Сув келтирувчи канал
- 2.6 Сув ташловчи канал

III Ҳисобий қисм

- 3.1 Тўғон устки қисми нишонини аниқлаш
- 3.2 Грунтли тўғон юқори қиялиги турғунлигини айланма цилиндрик юза бўйлаб силжиш усули билан ҳисоблаш
- 3.3 Минорали сув бўшатмани гидравлик ҳисоби
- 3.4 Сув бўшатмани ўтказиш қобилиятини аниқлаш
- 3.5 Сув ташловчи канал гидравлик ҳисоби

IV Қурилишни ташкил қилиш ва қурилиш ишлари

- 4.1 Грунт ишларини технологияси
- 4.2 Бетон ишлари
- 4.3 Сув иншоотлари бўғини техник иқтисодий кўрсаткичлари

5 Қурилишда меҳнат муҳофазаси

- 5.1 Замонавий қурилишда меҳнат муҳофазасини ўрни
- 5.2 Ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенаси

5.3 Курилиш жараёнларида меҳнат ҳавфсизлиги.

Сўз боши

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида шаклланиб, ривожланиш сари йўл оларкан, унинг истиқболини сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ва бошқа жихатлардан мустаҳкамлашни тақозо этадиган чора-тадбирларни куриш талаб қилинганди. Булар Ўзбекистон тарихига Президентимиз И.А.Каримов томонидан асослаб берилган ва у бошчилигида қабул қилинган беш тамойил асосида амалга оширилмоқда.

Ўтган вақтлар мобайнида Ўзбекистон дунё мамлакатлари ўртасида ўз мавқеига ва салоҳиятига эга бўлди. Иқтисодий жихатдан ривожланди, маҳсулот ишлаб чиқариш ошди, ҳамкорликдаги корхоналар кўпайди.

Мустақиллигимизнинг пойдеворини мустаҳкамлашда, мамлакатимиз тараққиётида, Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишида таълим тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, ёшларни замонавий илм —фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда таништириб бориш бениҳоя катта аҳамиятга эга, Чунки тараққиёт тақдирини маънавий жихатдан етук, техникавий билимлар ва мураккаб технологияни эгаллаган, иродаси бақувват, иймони бутун, замонавий фикрлайдиган юксак салоҳиятли шахслар ҳал этади. Келажак тараққиётимизга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган асосий омил фан техника, маданият, маърифат, таълим —тарбия, ижтимоий — иқтисодий муносабатлар борасидаги янгиликлар ва ютуқларни, жаҳон мамлакатлари тажрибаларини кенг қўламда ўрганиш, ривожлантириш ва ҳаётга жорий этишдир.

Ёш авлод тарбияси, уларнинг дунёвий билимларини чуқур эгаллашлари масаласи Президентимиз Ислам Каримов томонидан алоҳида эътибор берилаётганлигини таъкидлаш зарур. Хусусан юртбошимиз йигит қизларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида илғор билимлар асосида тахсил олишлари баркамол инсон ва юксак маънавиятли, юқори малакали мутахассислар бўлиб етишлариға моддий ва маънавий хомийлик кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикамизда чуқур, кенг қўламли ислохатлар амалга оширилар экан, биринчи галда келажаги буюк давлатни куриш

тафаккури, дунёқараши ўзгарган ёш авлоднинг тарбиясига катта эътибор қаратилмоғи лозим. Чунки янгича фикрлайдиган, бозор шароитларида муваффақиятли фаолият юрита оладиган, юксак малакали, чуқур билимли ёшларни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашни давр талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам республика парламенти мустақилликнинг дастлабки йилларида жамиятнинг келгуси тараққиётида муҳим рол ўйнайдиган " Таълим тўғрисидаги" қонунни қабул қилди. Қонунда ва шу асосда қабул қилинган " Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да жамият ҳамда оила олдида ўз фуқаролик, ахлоқий маъсулиятни ҳис этадиган, ўз вазифаларини чуқур билимлар ва юқори малака билан бошқаришга қодир ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг "Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади" маърузаси сарлавҳасининг ўзиёқ бунёдкорликка, яратувчиликка даъват янглиғ жаранглайди.

Ушбу маърузада такидлаб ўтилган асосий йўналишлардан бири мамлакатимизда ирригация ва мелиорация тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласидир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатлариға республика бюджетидан маблағ ажратиш тизими тубдан ўзгартирилди ва натижада молиялаштириш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, сув хўжалиги ташкилотлари эксплуатация харажатлари учун ажратилаётган маблағлар ҳажми 2009 йилга келиб 1994 йилга нисбатан салкам минг маротаба ошди. Ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чет эл инвестициялари киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Амалга оширилган мелиоратив тадбирлар натижасида суғориладиган

ерларнинг мелиоратив ҳолати мутассил яхшиланмоқда. Фақат 2010йилнинг ўзида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, қарийб 14 минг километрлик коллектор –дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиш имконини берди.

Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах вилоятлари, шунингдек, Марказий Фарғона худуди ва Қорақалпоғистон Республикасида ирригация ҳамда мелиорация иншоотларини қайта тиклаш учун 2010йилда халқаро молия институтларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағлари жалб қилинди ва ўлаштирилди.

Амалга оширилган ана шундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Натижада, ерларнинг унумдорлиги, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада ошди. Бу тадбирлар, шубҳасиз, фермер хўжаликларида харажатларни камайтириш ва самарадорликни оширишга амалий ёрдам бермоқда, даромадига даромад қўшмоқда.

Бу нарсалар пировард натижада қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, энергия манбаларига бўлган эҳтиёжни қоплаш каби янги масалаларни қўйди. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлариға бўлган талабини тўлароқ қондириш учун янгидан-янги манбаларни излаб топиш, сув таъминотини яхшилаш заруриятлари туғилди.

Табиий шароити тўғрисида қисқача маълумот

1.1.1. Жойлашиши ва геоморфологияси

Жиззах вилояти Ғаллаорол Қораултепа сув омборлар территорияси туманидаги Қораултепа қишлоғида жойлашган бўлиб Санзар – Зарафшон сув айирғичи жанубий ғарбий қиёғидаги тоғ олди текислигига жойлашган. Текислик шимолий – шарқ тамондан Нурота ва Мальгузар тоғлари билан чегараланган. Жанубий – шарқий томонидан Зарафшон дарёси воҳаси билан чегараланган. Қорул-тепа сув омборини майдони учун шимолий ғарбий томонидан Қораултепа тепаликлари билан ўралган пастқам жойдан фойдаланиш кўзда тутилади. Шимолий қисми мураккаб шаклга эга, чунки у Санзар – Зарафшон сув айирғичи билан ўралган. Шарқий қисми Дарган қишлоғи атрофи эски Туятортар канали конвои билан кесишган.

1.1.2. Иқлими

Қурилиш жойи иқлими ўта континентал қурғоқчил, ҳаво ҳарорати йиллик ва суткалик миқдори ўзгарувчан. Энг паст ҳарорат январда -30°C ; энг юқори июлда $+43^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилади. Ўртача йиллик ҳарорат $+13^{\circ}\text{C}$. Музламайдиган давр узунлиги 210-220 кун. Йиллик ўртача ёғингарчилик миқдори 350 мм. ташкил қилади. Энг ёғингарчилик кўп бўладиган ойларга март, апрел, май ойлари киради. Ҳавони ўртача йиллик намлиги - 60%. Кўрилаётган территорияда йилни совуқ пайтларида ғарбга тамон 3 м/сек тезликда шамол эсади. Баҳорда ва ёзда эса шимолий – шарқий шамол ўртача тезлиги 5,5 м/сек кўпроқ эсади. Қишда шамолни максимал тезлиги 32,5 м/сек га етади.

1.1.3. - Суюқ ва қаттиқ оқим

Қорул-тепа сув омбори, сув оқизиб келиб тўлдириладиган сув омборларига киради. Сув омборларини сув билан тўлдириш манбаи бўлиб Эски Туя – тортар канали хизмат қилади. Биринчи жадвалда сувни лойқаланиш миқдори келтирилган.

№	Ойлар	Сув сарфи м ³ /сек	Сувни лойқаланиши	Эслатма
1	Январь	0,845	0,112	Муаллақ чўкиндилар солиштирма оғирлиги 1,2 т/м ³
2	Февраль	0,847	0,112	
3	Сентябрь	5,0	0,5	
4	Октябрь	10,0	1,13	
		45,0	5,8	
		3,0	0,3	
	Ноябрь	2,1	0,25	
	Декабрь	0,815	0,15	

Донадорлик таркибига кўра шуни таъкидлаш керакки диаметри 0,05 мм дан кичик бўлган заррачалар миқдори чўкиндиларни умумий миқдорини 65-98% ни ташкил қилади. Тубдаги чўкиндилар миқдори унчалик кўп эмас ва у умумий чўкиндилар миқдорини 15% ни ташкил қилади. Сув омборига тушаётган қаттиқ ва суюқ чўкиндиларни умумий миқдори қуйидаги жадвалда келтирилган.

Таъминланганлик, %	Суюқ оқим, минг м ³	Қаттиқ оқим, минг м ³
1	2	3
0,01	39,9	6,0
0,1	32,2	4,7

Қаттиқ оқим суюқ оқимни 15% деб қабул қилинади.

1.2. Геологик тузилиши ва гидрогеологик шароитлари

Қорул-тепа сув омбори территорияси геологик – миёлогик тузилиши жуда бир хил. Уни тузилишида катта тўртламчи пролювиал лёссимон қумли лой ва лойли қумдан иборат, линзасимон шағал қатлами билан уни

туби цементланган кумли лой билан тўшалган. Лёссимон кумли лой ва лойли кум қатлами чуқурлиги сув омбори майдонида бир хил эмас. I-тўғон створи атрофида уни миқдори 25 дан 70 гача ўзгаради. II-тўғон сув омбори территориясида уни қалинлиги 70 м га етади.

Қазилган кумли лойни алоҳида хусусиятларидан бири қуруқ ҳолда қияликни тик ҳолда туришини таъминлайди, буни Эски Туя-тортар канали мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу канални қирғоқлари баландлиги 70 м гача бўлиб кўп жойларида у деярли тик ҳолда туради.

Биринчи тўғонни замини чўкувчанлик хоссасига эга бўлган лёссимон кумли лойдан иборат бўлгани учун замин грунти чўкувчанлик даражасига кўра 5та инженер-геологик қатламга бўлинади. Юзада жойлашган 1 ва 2 инженер – геологик қатлам грунти юқори чўкувчанлик хоссасига эга. Шунинг учун сув бостирилганда ўз оғирлиги ва тўғон оғирлиги таъсирида ортиқча босим натижасида нотекис ва катта миқдорда чўкиш мумкин ва тўғон учун ишончли замин бўлаолмаслиги мумкин.

III ва IV инженер-геологик қатлам грунти кучсиз чўкувчан ва чўкмайдиган ҳисобланади. I-қатлам грунти юқори фильтрация коэффициентига эга. $K_f=0,16\div0,62$ м/сут. 5 қатлам грунти деярли сув ўтказмайди.

Қорул-тепа сув омбори майдонида ер ости сувларини икки хили ажралиб туради. Улар биридан ҳосил бўлиши ва кимёвий таркиби билан фақ қилади.

Биринчи тип ер ости сувлари атмосфера ёғинларини сизиши туфайли ҳосил бўлади. Иккинчи тип – артизиан сувлари, босимли (пъезометрик босим миқдори 29 м гача етади). I-типдаги сув оқимини йўналиши шимолий ғарб га бўлиб у Зарафшон воҳаси рельефи умумий нишаблиги тўғри келади. I- типдаги ер ости сувлари – гидрокорбанатли кальций – магнийли; II-типдаги – гидрокорбанатли –натрий – калийли.

Сув омбори майдони сифатида катта сувсиз жой танланган. Жойни нишаблиги Жанубий – Ғарбга ва Эски туя тортар канали нишаблигига тескари томонга йўналган. Қияликлари ассиметрик кўндаланг кесимга

эга: чап томонидаги баланд қирғоқ қиялиги жуда тик ва аниқ сув омборини контурини аниқлаб беради. Ўнг қирғоқ яссироқ ва шимолий – ғарб томонга сезиларсиз ошиб боради.

Сув омбори майдонини ҳосил қилиш учун иккита ғрунтли тўғон курилади.

1.3. Сув омборидаги сувни филътрация ва буғланиш туфайли йўқотилиши

а) Филътрация

сув омбори майдони юзасидан ҳамда тўғон танаси туби ва қирғоғидан айланиб ўтадиган филътрация миқдорини аниқлаш учун гидрогеологик ва филътрация текширувлари олиб борилган. Гидрогеологик текширувлар натижаларига кўра қуйидагилар ўрнатилган, филътрация туфайли сувни йўқотилиши вақтинчалик характерга эга (сув омбори туби ва қирғоғи сувга тўйингунча) ва 2,066 млн ташкил қилади.

Филътрация текширувлари шуни кўрсатадики, сув омбори юзасидан, 1 ва 2 тўғон туби, танаси ва қирғоғидан йўқотиладиган сув миқдори $1805 \text{ м}^3/\text{сут}$ ёки $21,0 \text{ л/сек}$; 700 минг $\text{м}^3/\text{йил}$, бу бугун сув омбори ҳажмини 1,5% ни ташкил қилади.

Илгари қурилган ва лойиҳаланган тўғонларга асосланиб, филътрация туфайли йўқотилган сув миқдорини Қораултепа сув омбори учун, йиллик ҳажмини 4% миқдорини йиллик 2,0 млн м^3 деб қабул қилинади.

б) Боғланиш

Қораултепа сув омбори сув юзасидан буғланаётган сув миқдорини ҳисоблаш учун Зайкова Б.Д. ва Давидов В.К. формуласидан фойдаланилади. Бунда керакли маълумотлар Ғаллаорол станциясидан олинади. Бу маълумотлар Қораултепа сув омбори баланси миқдорини ҳисоблашда фойдаланилади.

1.4 Сув омборини суғориш қобилияти ва уни ишлаш режими

Юқоридагилардан фойдаланиб сув омборини ишлаш режими сув мувозанати маълумотномаси тузилди. Унда оқиб келаётган ва фойдаланилаётган сув миқдори филътрация ва буғланиш ҳисобига сувни йўқотилиши ҳисобга олинди. Ушбу мувозанат ҳисоблари жадвалда

келтирилган. Сув омбори ишлаш режими - расмда графикда аск
эттирилган. Сув омборини тўлдириш сентябр охирларида бошланиб,
мартда тугалланади. Ундан сўнг сувдан фойдаланиш (сув сатҳини
пасайиши) бошланади. Сув омбори бошқариладиган йиллик сув миқдори,
йиллик сув йўқотилишини ҳам ҳисобга олганда 58 млн м³ ташкил қилади.

Мувозанат маълумоти

1.1 жадвал

Ҳисобий вақт оралиғи		Оқиб кираётган сув сарфи	Сувни йўқотилиши		Умумий сарфни йўқотилиши	Оқиб кирилаётган йўқотилиш ҳисоби	Истемол килиш	Тўлдириш ва бўшатиш вақт оралиғида		Сув омборидаги сув ҳажми	Сув омборидаги сув сатҳи вақт оралиғида		Сув омбори сув юзаси Км ³	
Ойлар			Бугла- ниш	Фильтра- ция	м ³ /сек	м ³ /сек	м ³ /сек	Сарф бўйича м ³ /сек	Ҳажмда м ³	м ³	Вақт оралиғи сўнгида	Ўртача вақт оралиғида	Вақт оралиғи сўнгида	Ўртача вақт оралиғида
I		0,845	-	0,064	0,064	0,781	-	0,781	2091830	53729900	818,2	-	8,8	-
II		0,847	-	0,064	0,064	0,783	-	0,783	1994234	57324134	818,4	818,30	8,96	8,38
III		-	-	0,064	0,064	-0,064	-	0,064	-171417	57452717	818,4	818,40	9,33	9,14
IV		-	0,03	0,064	0,094	-0,094	-2,32	-2,41	-6246720	51205397	817,60	817,80	8,17	8,75
VI		-	0,18	0,064	0,244	-0,224	-2,74	-2,98	-7931632	43224368	816,50	817,65	7,91	8,04
VI		-	0,40	0,064	0,464	-0,464	-3,23	-3,69	-9564480	33659885	814,80	815,65	5,33	6,62
VII		-	0,40	0,064	0,464	-0,464	-4,16	-4,62	-12374208	21285677	812,00	813,40	3,43	4,37
VIII		-	0,23	0,064	0,294	-0,294	-3,74	-4,03	-10793952	10491725	808,80	810,0	1,66	2,53
IX		2,0	0,10	0,064	0,164	+1,84	-2,81	1,81	4769280	3206205	804,65	-	-	-
X	20	10,0	0,06	0,064	0,124	0,88	-	-3,81	1267640	27841980	812,40	810,6	3,58	2,62
	6	45,0	0,04	0,064	0,074	44,93	-	9,68	23291712	45103832	816,60	814,50	7,25	6,41
	5	3,0	0,03	0,064	0,094	2,91	-	44,93	1257120	46390752	816,80	816,70	7,50	7,37
XI		2,1	0,013	0,064	0,077	2,02	-	2,91	5235840	51626592	817,40	817,10	8,25	7,57
XII		0,815	-	0,064	0,064	0,751	-	0,751	2011478	53638070	818,0	817,70	8,58	8,41

1.5. Сув омборидан фойдаланиш тўғрисида умумий мулоҳазалар

Сув омборидан фойдаланиш вазифасига иншоотлар ва тўғонлар хавфсизлиги ва мустахкамлиги таъминланган ҳолда сув омборидаги сув сарфидан ва сув сатҳидан мақсадга мувофиқ ва тежамли фойдаланиш ва бошқариш, ишдаги камчиликларни йўқотиш ва олдини олиш тўғрисида ўз вақтида чоралар кўриш киради. Иншоотларни нормал ишлашини таъминлаш учун тузатиш қуйидаги огоҳлантирувчи ва чора – тадбирларни амалга оширилади.

Огоҳлантирувчи тадбирларга қуйидагилар киради.

1. фильтрацияни кузатиш
2. Сув омбори ишлаш ишлаш режимини кузатиш
3. Тўғон танаси ва замини чўкишини кузатиш
4. Тўғон ва барча иншоотларни умумий ҳолатини кузатиш

Тузатиш ишларига қуйидагилар киради.

1. Бузулган жойларни ўз вақтида жорий тузатиш
2. Иншоотни капитал тузутиш
3. Иншоотни бузилган жойларини капитал тиклаш ишлари.

Сув омборидан фойдаланиш даврида қуйидаги талабларга риоя қилиш керак бўлади:

1. Тўғон юқори бьефидаги сув сатҳи лойиҳада белгиланган (НПУ) сув сатҳидан юқори бўлмаслиги керак.
2. Сув омборини сув билан тўлдириш ва бўшатиш тез бўлмаслиги керак. Сувни кўтарилиш ва пасайиш тезлиги 0,3 м/сут дан ошмаслиги керак.
3. Тўғон қиялиги қопламалари бузилишига йўл қўймаслик
4. Сув бўшатма – Сув ташлама затворлари тузук ҳолатда бўлиши керак. Затворларни зич ёпилишига алоҳида эътиборни қаратиш ва улардан ўтадиган фильтрацияни камайтириш керак. Затворларни ишлаш даврида затворларда юз бериши мумкин бўлган

тебранишни кузатиш керак. Ҳар йили затворлар ва механизмлар яхшилаб кузатилиши ва кейинчалик таъмирлаш ва краскалаш ишларини бажариш керак.

5. иншоотларни бетон қисмларида ёриқлар пайдо бўлишига ва улардан сув сизиб ўтишига йўл қўймаслик
6. тўғон танаси ва уни заминиди суффозия юз беришига йўл қўймаслик керак.
7. Назорат – ўлчов асбобларини кузатиб бориш тартиби ўрнатилиши ва уларда қиялик, қирғоқларни деформацияланиши ва кўчкиларни кузатиб бориш.
8. Затвор пазлари ва пажаларни ҳар хил ахлатлар ва сузиб юрувчи жисмлардан тозалаш ишларини бажариш керак.
9. тўғонда ва сув омбори қирғоқларида хавфсизлик қоидалари осиб қўйилиши керак ва унга қатъий риоя қилиш керак.
10. Ҳамма ишларни амалга ошириш ва сув омборини нормал ишлашини таъминлаш учун ҳам сон таркиби ва ҳам малакаси етарли бўлган хизматчилар билан таъминланиши керак.

Лойиҳада қуйидаги хизматчилар штати белгиланган.

1	Сув иншоотлари бўғини бошлиғи	-1 киши
2	Катта инженер гидротехник	-1 киши
3	Инженер гидрометрик	-1 киши
4	Катта бухгалтер	-1 киши
5	Диспедчерлар	-4 киши
6	Секретарь-машинистка	-1 киши
7	Техник – гидротехник	-1 киши
8	Бошқарувчи	-1 киши
9	Кузатувчи	-3 киши
10	Тузатиш бригадаси	-4 киши
11	Техник – электрик	-1 киши

12	Техник – алоқачи	-1 киши
13	Қораул	-4 киши
14	Шафёр	-1 киши
15	тракторист	-1 киши
	Жами	26 киши

Сув омборида ишлайдиганларга яхши шароит яратиб бериш учун 11 та уй қуриш режалаштирилган. 10 та уй Ғаллаорол колхози ёнидаги 1-бўлимда қурилади.

2. Сув омбори иншоотлари техник характеристикалари

2.1. Иншоотлари таркиби

Юқорида айтилганидек Қорул-тепа сув омбори иккита тўғон ёрдамида ҳосил қилинади, бири Эски туя-тортар канили канъёнида, бошқаси – сув омбори майдони сифатида фойдаланилаётган сувсиз балкада.

Эски Туя-тортар каналини тўсувчи 2чи тўғонни чап томонида минорали темирбетон сув бўшатма жойлашган. Минорали сув бўшатмадан кейин сув ташловчи канални бетон ўзани жойлашади. У сув олиб келувчи канал сув олиш иншоотига сув келтиради, ҳамда котострофик сув ташлама бўлиб хисмат қилади. Сув ташловчи канал охиридаги иншоотт билан тугайди.

Сув омборини тўлдириш учун Эски Туя-тортар канали айланма ўзани 38+00 ПКда бош сув олиш иншооти, сув келтирувчи канал уни сўнгидаги ишооти билан қурилади.

Территория жойлашишига кўра ҳамма иншоотларни қуйидагича группалаш мумкин.

2. Тўғон № 1

2. Тўғон № 2

3. сув олиш бўғини

4. сув ташловчи канал 9+60 ПК даги иншоот билан.

2.2. Тўғон № 1

Тўғон № 1 – грунтли кўтарма, маҳаллий қумли лойдан қурилган. Тўғонни устки қисми бўйлаб узунлиги 1545 м, қуруқ қисмида энг юқори баландлиги 27 м, Эски Туя-Тортар конъионида 39,0 м.

Қияликларни миқдори тепа қисмидан бошлаб:

юқори қиялик – $m=3,0; 3,5; 4,0$.

пастки қиялик – $m=3,0; 4,0; 4,5$.

Қияликлар ўзини миқдорини берма қуриладиган жойда ўзгартиради. Бермани кенглиги 4,0 бўлиб, тўғонни баландиги бўйича ҳар 10 м да қурилади. Тўғон устки қисми кенглиги ундан ўтадиган йўл категориясига боғлиқ бўлиб 4 – категорияли йўл учун 8,0 м деб қабул қилинган.

Юқори қиялик қалинлиги 0,20 м бўлган яхлит армобетон билан мустаҳкамланади ва тубида қалинлиги 0,5 м бўлган шағал қум филтер қилинади. Бетон қоплама ўлчамлари 5x5 м бўлган олоҳида плиталардан иборат. Плиталардаги арматура, узлуксиз ва ўлчамлари 0,33x0,33 м бўлган квадрат катоклардан иборат. Арматура диаметри 10 мм.

Ушбу айтилган қопламалар қуйидагиларни эътиборга олиб қабул қилинади;

Юқори сейсмик район – 7 балл;

Тўғон заминида чўкувчан грунтлар мавжудлиги; қишда ҳавони ҳарорати -30°C пасайиши, сув омборида муз қатламларини ҳосил бўлиши ва у юқори қияликка статик босим билан таъсир қилиши. Юқори қиялик заминида чуқурлиги 2,5 м, тубини кенглиги 1,0 м бўлган тиш қилиш мўлжалланган. Бетон қоплама бетон тишга тиралиб туради. Тиргак баландлиги 1,0 м, кенглиги 0,5 м.паски қиялик қалинлиги 0,25 м бўлган шағал- қум аралашмаси билан мустаҳкамланади.

Тўғон створида каньон қисмида, Эски Туя-Тортар канали ўзани бирданига бурилган. Ушбу жойда тўғонни бузилишдан сақлаш учун, тўғон эски канал ўзанини қумли лой билан зичлаб тўлдириб($S_{\text{ск}}=1,55-1,60 \text{ т/м}^3$) кучайтирилади. Бундай кучайтириш тўғонни юқори бьеф томонида 240 м узунликда, паски бьеф томонида 270 м узунликда 807,0 нишонгача юқори ва пастки қияикни шағал-қум аралашмаси билан бостириб бажарилади. Ушбу каньонда сувни тўплаган сувни тортиб олиш учун пастки бьеф томонида Эски Туя-тортарни чап қирғоғида тўғон ўқидан 200 м масофада насос станцияси қуриш кўзда тутилган. У $0,5 \text{ м}^3/\text{сек}$ сувни 30 м баландликка чиқариб беришга мўлжалланган. Сув паски

қиялик ёнидан ўтадиган мавжуд бетон каналга чиқариб ташланади. Босимли қувурни узунлиги 160 м.

Тўғон ҳолатини кузатиб бориш учун назорат – ўлчов асбоблари ўрнатилади. Бу асбобларга пьезометрлар, чуқурликдаги ва юзадаги маркалар, створ белгилари киради. Тўғон танасидан сизиб ўтаётган сувни олиб кетиш учун, тўғонни пастки қиялги тубида дренаж призмаси қурилади. Унда асбес бетон тишикли қувур ўрнатилган ва у уч қават тескари фильтр билан ўралган. Дренаж тармоғини узунлиги 825 м. Дренажни ишлаш ҳолатини кузатиб бориш учун кузатиш қудуклари қуриш мўлжалланган. Ер ости сувларини пастки бьеф томонидан ер устига чиқишини олдини олиш учун тўғондан кейинги дренаж ўқидан 100 м масофада жойлашган. Бу дренажни узунлиги -726,0 м. Ушбу дренаж конструкцияси тўғондагиникига ўхшаш, ҳар икки дренаждаги сувлар сув йиғичга тўпланиб қувурорқали пастдаги коллектор-дренаж тармоғига тушириб юборилади.

2.3. Тўғон № 2

Иккинчи тўғон ўзини конструкциясига кўра биринчи тўғонга ўхшаш.

Тўғон устки қисми бўйича узунлиги -265 м. Максимал баландлиги – 51,0 м.

Қияликни миқдори юқоридан пастга қарадб ўзгаради; юқори қиялик $m=3,0; 3,5; 4,0; 4,5; 5,0$. пастки қиялик $m=3,0; 0,8; 0,5$. Қияликни 8,0 миқдори 60 м масофада пастки қияликка фильтрация сувларини чиқаришга йўл қўймаслик учун, фильтрация ҳисоблари натижасида қабул қилинган. Юқори ва пастки қияликларда тўғонни баландлиги бўйича ҳар 10,0 м да кенглиги 4,0 м қилиб қабул қилинган. Юқори ва пастки қияликларни қопламалари биринчи тўғонникига ўхшаш. Тўғон ҳолатини кузатиб бориш учун пьезометрлар, чуқурликдаги ва юзадаги маркалар, створ белгиларидан иборат назорат – ўлчов асбоблари ўрнатилади.

Тўғон қиялигини анча ясси қилинганлиги муносабати билан унда дренаж қуришга эҳтиёж қолмади.

0+54ПК да тўғон ўқи бўйлаб темир-бетон минорали сув бўшатма – сув ташлама қурилади. Уни максимал сув ўтказиш қобиляти $50,0 \text{ м}^3/\text{сек}$.

2.4. Сув бўшатма

Сув бўшатма кириш қисми, икки йўлли босимли қувур, минора, босимсиз икки йўлли қувур ва энергия сундирувчи кудукдан ташкил топган.

Кириш қисми кесими каробкасимон узунлиги 10,4 кенглиги 10,3 дан 5,9 м гача. Тубидаги плитани қалинлиги 0,7 м дан 1,0 м гача. Ён деворлари қалинлиги $0,5 \div 0,7$ м ва $0,5 \div 1,0$ м. Кириш қисми ўртасидан қалинлиги 0,5 м бўлган девор билан бўлинган. Кириш қисмида затвор ўрнатилиши кўзда тутилган. У сув омбори фойдасиз сув сатҳидан юқоригача лойқа билан тўлган ҳолат учун. Ундан сўнг шитли қисми бошланади. Шитли қисмдан кейин икки йўлли босимли қувур жойлашган, уни кесими 2,0 м х 2,5 м, умумий узунлиги 104,0 м. Қувур ҳар бирини узунлиги 13,0 м бўлган алоҳида қисмлардан иборат. Қувурни бутун узунлиги бўйича ҳар 7,0 м да диафрагма қўйилади. Қувур деворини қалинлиги 0,5м.

Босимли қувурдан сўнг минра жойлашган. Минора ер остки ва устки қисмидан иборат. Ер остки қисмини умумий баландлиги 6,5 м узунлиги 14 м, кенглиги 10,0 м. ер остки қисмида икки қатор затвор ўрнатиш кўзда тутилган. Бу затворлар бири ишчи ва иккинчиси авария-таъмирлаш затворлари бўлиб, улар ўлчамлари 1,5х1,8 м бўлган тешикларни беркитиб туради. Затворларни кўтариб тушириш юк кўтариш қобиляти 30 т бўлган электр кўтаргич ёрдамида амалга оширилади. Минора кўндаланг кесими ўлчамлари 6,0х8,0 м деворини қалинлиги $\Delta 822,00$ гача 1,0 м, $\Delta 822,00$ дан юқорида 0,5 м. минорани умумий баландлиги 25,2 м.

Механик қурилмаларини ташиб келтириш учун минорани тўғон устки қисми билан боғловчи, рельсли йўли бўлган темир – бетон кўприк кўзда тутилган.

Минорадан кейин икк йўлли босимсиз қувур ўрнатилади, уни ўлчамлари 2,0x2,5 м. у 7та алоҳида қувурдан иборат, ҳар бир қувур узунлиги 13,0 м бўлиб, умумий зунлиги 91,0 м. босимли қувурни дастлабки тўртта секцияси деворини қалинлиги – 0,7 м қолган учтаси -0,5 м.

Босимсиз қувурдан сўнг сув нишабини таъминлайдиган қисми ва сув урилма кудуқ жойлашган. Нишаб қисми узунлиги 26,0 м кенглиги 4,5 дан 6,0 м гача, туб қисми плтаси қалинлиги 1,0 м. қувурни чиқиш қисми сув урилма кудуқ билан шўнғувчи девор билан туташган., деворни баландлиги бошланиш қисмида 5,9 м дан охирида 1,5 гача ўзгаради. Сув урилма кудуқ трапеция шаклида бўлиб, узунлиги 23,0 м, тубини кенглиги 6,0 м қиялик миқдори $m=1,5$, чуқурлиги 2,0 м. тубидаги плита қалинлиги 1,0 м, қияликларидаси 1,0 м дан 2,25 м гача.

Бетон тиш ва бу тишини қуриш учун қазилган хандақ, сув ташловчи канали туби нишаблигигачи (791,0), тескари фильтр устига тош билан тўлдирилади.

Сув бўшатмани бутун узанлиги бўйича уни босимли ва босимсиз қисми алоҳида қисмлари орасида фильтрация чоклари ўрнатилади.

2.5. Сув келтирувчи канал

Сув олиш канал узунлиги 580 м бўлган, сув олиш каналига узатади. Канал чуқур қазилмадан ўтади ва трапедция кўринишидаги кесимга эга. Уни кесимини гидравлик элементлари $Q= 45,0$ м³/сек; $B=6,0$ м; $m=1,5$; $n=0,017$, $I=0,0011$, $h=2,04$. $H_{стр}=2,6$ м, $V=2,43$ м/сек.

Канал қалинлиги 15 см бўлган армобетон қоплама билан мустахкамланади. Қоплама тубига 10 см шағал тўкиб зичланади. Канални

Ўнг қирғоғида инспектор йўли қурилади, уни кенглиги 7,7 м. чап тамонида кенглиги 3,0 м бўлган берма қурилади. Канални қозиш пайтида баландлиги бўйича ҳар 10 м да кенглиги 2,0 м бўлган берма қурилади. Канални сув сатҳидан юқори қисми қиялиги 0,5.

2.6. Сув ташловчи канал

Сув ташлови канал сув омборида котострофик ҳолат юз берганда сувни олиб кетиш учун, ҳамда ерларни суғориш учун сувни сув олиб кетувчи каналга узатиш учун хизмат қилади. Каналнинг бутун узунлиги бўйича жуда чуқур қазилмадан ўтади. Уни гидравлик элементлари куйидагича:

$Q = 50,0 \text{ м}^3/\text{сек}$; $B = 6,0 \text{ м}$; $m = 1,5$; $h = 4,10$; $V = 1,0 \text{ м/сек}$; $I = 0,00015$, $n = 0,017$, $H_{\text{стр}} = 4,6 \text{ м}$.

Канал қалинлиги 15 см бўлган бетон қоплама билан мустахкамланади. Қоплама зичланган шағал тўсин устига қурилади. Ўнг тамонига кузатув йўли бажарилади. Уни кенглиги 7,0 м ва қора қоплама билан мустахкамланган. Чап томонида 3 м ли берма қурилади. Қуриш даврида бутун канални баландлиги бўйича ҳар 5 м да бир метрли берма қурилади. Канални сув усти қисми қиялиги миқдори 0,5.

3.1. Тўғон устки қисми нишонини аниқлаш

1. Шамолни ҳисобий тезлиги 10 м баландликда $W_{10}=42,4$ м/сек.

2. Шамолни эсиши узунлиги;

$D=3,62$ км.

3. Сув омборидаги сувни чуқурлиги $H=192$ м.

4. Иншоотни копиталлик синфи – II; $\alpha=0^0$

Шамол тўлқини параметрларини аниқлаш

Шамол қатлами параметрларини аниқлаш учун қуйидаги исимсиз параметрларни аниқлаймиз.

$$\frac{gD}{W_{10}^2} = \frac{9,81 \cdot 3620}{42,4} = 19,72$$

Графикдан

$$\frac{gh}{W_{10}^2} = 0,014; \quad \frac{9,81 \cdot h}{1800} 0,014 \rightarrow h = 2,57 \text{ м}$$

$$g = \frac{\lambda}{W^2} = 0,13 \rightarrow \lambda = 23,85 \text{ м}$$

Бунда $g=9,81$ м/сек² – эркин тушиш тезланиши

h – тўлқин баландлиги;

λ – тўлқин узунлиги.

$$\nabla h = K \frac{W_{10}^2 \cdot D}{2gH} \cos \alpha = 0,012 \cdot \frac{1800 \cdot 3,62}{2 \cdot 9,81 \cdot 19,2} \cdot 1 = 0,207$$

$$h_H = \frac{2K_u \cdot h}{m} \cdot \sqrt[3]{\frac{\lambda}{n}} = \frac{2 \cdot 0,9 \cdot 2,57}{3,5} \sqrt[3]{9,7} = 2,75 \text{ м}$$

$$h_s = \nabla h + h_H + a$$


a – захирани қийматини II – синф учун 0,5м деб қабул қиламиз

$$h_s = 0,207 + 2,73 + 0,5 = 3,437 \approx 3,5 \text{ м}$$

$$\nabla_{\text{гет}} 818 + 3,5 \cdot 821,5 \approx 822.$$

3.2 Грунтли тўғон қияликларининг турғунлиги ҳисоблари

Ҳисобларнинг вазифалари ва уларнинг услублари. Баъзи бир шароитларда грунтли тўғонлар қияликлари устиворлигини йўқотади, тўғон танаси чегарасида ёки заминдаги грунтнинг ҳам бир қисмини ўз ичига олиб ўпирилиб кетиш рўй беради.



3.1-расм. Қияликларни ўпирилиб кетиш кўринишлари:

а-тўғон қиялигини бир қисми чегарасида; б- қиялик умумий баландлиги чегарасида; в-заминнинг бир қисмини ўз ичига олиб; I-ўпирилиши массиви

Қияликлар устиворлиги ҳисоблари берилган тўғон танаси ва заминдаги грунтнинг физик - механик таъсирлари, маълум бўлган тўғон кўндаланг кесимининг геометрик ўлчамлари ва қурилган депрессия эгри чизиғи ҳолати учун олиб борилади. Ҳисоблар натижасида минимал устиворлик коэффиценти қиймати аниқланади, у меъёрийга тенг ёки катта бўлиши керак, унинг қиймати иншоот капиталлик синфи бўйича аниқланди (3.1-жадвал).

3.1-жадвал. Қияликлар устиворлиги йўл қўярлик захира коэффицентлари $K_{с.й.к}$

Юклама ва таъсирлар бирикмасы	Тўғон синфлари учун қияликлар устиворлиги йўл қўярлик захира коэффицентлари $K_{с.й.к}$			
	I	II	III	IV
Асосий	1,3...1,25	1,2...1,15	1,15...1,1	1,1...1,05
Ўта муҳим	1,1...1,05	1,1...1,05	1,05	1,05


Эслатма: $K_{с.й.к}$ ни катта қийматларини қаралаётган тўғон конструкцияси

элементларини (қиялик, экран) ёки унинг замини тўлиқ гилли бўлса ёки ҳар хил грунтлардан ташкил тогган бўлса қабул қилинади.

Қияликлар устиворлигини аниқлаш бўйича жуда кўп услублар ишлаб чиқилган ва улар принципиал икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга чегарвий мувозанат назариясига асосланган услублар киради, уларда қаралаётган грунт массивида бир вақтнинг ўзида чегаравий ҳолат рўй беради деб тахмин қилинади. Бошқа сўз билан айтганда, грунт массивида бир вақтнинг ўзида бир нечта мувозанат сиртлари ҳосил бўлади, улар бўйича силжиш ҳосил бўлиши мумкин. Иккинчи гуруҳ услубларида қиялик ўпирилиши олдиндан бериладиган сирт бўйича рўй беради деб ифодалашга асосланган, уни кўп ҳолларда айлана ёйи (айланма цилиндрик сирпаниш сирти) ёки бир нечта тўғри чизикли кесмалардан ташкил топган синиқ кесмалар шаклда қабул қилинади.

Меъёрлар бўйича грунтли тўғонлар устиворлиги ҳисобини айланма сиртларни сирпаниш услуби бўйича олиб борилади. Бу услуб бўйича қияликлар устиворлиги захира коэффицентини энг хавфли сирпаниш бўйича аниқланади, бунда у минимал қийматга эга бўлади. Бу сирт кетма-кет яқинлашув йўли билан аниқланади. Асосий юкламалар бўйича аниқланган устиворлик захира коэффиценти нормативдан 15%, баланд ва жуда баланд тўғонлар учун эса 30% кўп бўлмаслиги керак.

Қияликлар устиворлигини айланма цилиндрик сиртлар сирпаниши бўйича ҳисоби. Бу услубда грунт массив бир қисмининг сирпаниш (ўпирилиши) 3.2-расмда келтирилган схемага мувофиқ эгри чизик радиуси бўйича рўй беради деб йўл қўйилади.



